МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШАДИЕВА ДИЛДОРА ХАМИДОВНА

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК № 330.322.01:330.5 (575.1)(043.3)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Шадиева Дилдора Хамидовна
Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш..... 3

Шадиева Дилдора Хамидовна
Совершенствование теоретических основ инвестирования инновационного развития национальной экономики…… 25

Shadieva Dildora Khamidovna
Improving theoretical basis of investing in innovative development of the national economy ……..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……...……... 53

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШАДИЕВА ДИЛДОРА ХАМИДОВНА

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Джураев Тошболта Тўхтаевич** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тухлиев Нурислом** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Шакирова Фароғат Болтаевна иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “____”_____ соат ___00даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174,Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 227-12-24; 246-02-24 факс: (99871) 246-90-80; e-mail: rector@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 227-12-24 факс.: (99871) 246-90-80), e-mail: rector@nuu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил “___”_____ да тарқатилди.
(2020 йил “___” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Г. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Қ. Мамбетжанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори

А.В. Вахабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги рақобатни кучайиши ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви давлатлар рақобатбардошлигини оширишда инновацион фаолият, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларининг жорий этилиш даражасига алоҳида аҳамият беришни талаб этмоқда. Жаҳон миқёсида ва алоҳида мамлакатлар доирасида инновацион фаолиятни инвестициялаш кўламлари йил сайин ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 2008-2018 йилларда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (ИТТКИ) инвестициялаш ҳажмлари Хитойда 3,8 баробарга, Корея Республикасида – 2,3 баробарга, Германия, Франция, Исроил каби давлатларда эса 1,5 баробардан кўпроққа ўсганини таъкидлаш лозим.[1] Европа Иттифоқининг Лиссабон стратегиясига биноан Европа иқтисодиётини рақобатбардош ва барқарор ривожланаётган, илм-фанга асосланган иқтисодиётга айлантириш учун ЯИМнинг 3 фоиздан кам бўлмаган қисмини инновацион фаолиятга йўналтириш лозимлиги асослаб берилган. Австрия, Дания, Финляндия, Швеция каби давлатлар ушбу кўрсаткичга эришишга муваффақ бўлдилар.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш, илм-фан соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, инновацион фаолиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, инновацион фаолиятга сарфланган давлат ва хусусий сектор харажатларини аниқлаш ҳамда оптималлаштириш, ушбу жараёнда иштирок этувчи институтлар фаолиятини такомиллаштириш, хусусий сектор маблағларини жалб қилишда рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва инновацион фаолликни оширишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.[2] Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари ҳамда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик томонидан инновацион иқтисодиётга ўтиш учун зарур бўлган институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга йўналтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо ҳозирги кунда инновацион фаолиятни

[1] http://stats.oecd.org/; 2018 Global R&D Funding Forecast. Winter 2018, p.5.

[2] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018 й., 20 б.

инвестициялаш учун миллий иқтисодиётда ажратилаётган маблағлар ҳажми ва ўсиш суръатлари етарли эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш Стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга қадар бу кўрсаткични ЯИМ ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш белгиланган.[3] Инновацион жараёнларни инвестициялашнинг янги усуллари ва йўналишларини топиш, мазкур соҳадаги жаҳон тенденцияларини аниқлаш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва фаоллаштириш дастакларини излаш ва тадқиқ этиш замонавий иқтисодиёт назариясининг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 августдаги ПҚ - 916-сон "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон "Тадбиркорлик ва инновация соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон "Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқотининг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллан-тириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни инновацион ривожланиши ва инновацион фаолиятни инвестициялаш масалалари тадқиқоти бир қатор хорижлик олимларнинг, жумладан, Лундвалл Б, Менш Г., Портер М., Солоу Р., Тоффлер Э., Фримен К., Шумпетер Й. ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган[4].

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда турли омиллар ролини

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2018 йил 21 сентябрьдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

[4] Lundvall B.A. National Systems of Innovation. Towards the Theory of Innovation and Interactive Learning. L.: Pintor Publications, 1992. P.195; Mensch G. Stalemate in Technology: Innovations Overcome the Depression - New York: Ballinger Publishing Company, 1979. p. 14; Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993. - 896 с.; Solow Robert M. The last 50 years in growth theory and the next 10. Oxford Review of Economic Policy. Oxford Journals. 23, 2007, p. 3-14; Тоффлер Э. Третья волна. М.: АСТ, 2004. - с. 56; Freeman C. The "National System of Innovation" in historical perspective/ Cambridge Journal of Economics. - 1995. - p. 5; Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: Прогресс, 1982. - 455 с.

ўрганишга қаратилган тадқиқотларни МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Виролайнен, Е.Игнатущенко, И.Мельникова, А.Нечаев, И.Родионов, Ю.Рюмина, Т.Тумина, Р.Фатхутдинов ва бошқалар олиб борган[5].

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам ўрганилган. Булар жумласига Абулкасимов Х.П., Бегалов Б.А., Вахабов А.В., Воронин С.А., Гаибназарова З.Т., Гиясов С.А., Жахонгиров И.Ж., Кадиров А.А., Махкамова М.А., Махмудов Н.М., Мухитдинова Н.К., Назарова Р.Р., Разикова Г.Х., Расулов Т.С., Шакирова Ф.Б., Юлдашев Ш.Г. ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин[6].

Ушбу иқтисодчи-олимларнинг илмий ишларига қарамасдан, бугунги кунда инновацион маҳсулот ҳажмини оширишнинг асосий омили бўлган миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялаш муаммоларига бағишланган комплекс тадқиқот мавжуд эмас. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича алоҳида тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

---

[5] Виролайнен А.О. Финансирование инвестиций при переходе к инновационному развитию экономики: автореферат дисс. на соискание уч. ст. д.э.н. - Санкт-Петербург, 2008.- 47 с.; Игнатущенко Е.И. Инновационная Германия в экономике Европейского Союза в эпоху мирового экономического и финансового кризиса//Молодой ученый. 2012, №7, С. 78-82.; Мельникова И.А. Стимулирование научно-инновационной деятельности: мировой опыт// Журнал международного права и международных отношений, 2010, № 3.; Нечаев А.С. Совершенствование системы финансового обеспечения инвестиционно-инновационной деятельности: автореферат дисс. на соискание уч. ст. д.э.н., М., 2010.- 38 с.; Родионов И.И. Модели формирования института венчурных инвестиций// The AngelInvestor Journal, p. 42; Рюмина Ю.А. Зарубежный опыт налогового стимулирования инновационной деятельности// Вестник Томского государственного университета, 2012, №3(19), с. 80-85; Тумина Т.А. Инновационное развитие экономических систем: автореферат дисс. на соискание уч. ст. д.э.н., Белгород, 2009. - 46 с.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов. - 6-е изд. - СПб.: Питер, 2011. - 448 с.

[6] Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. - Т.: ТашГИВ, 2017. -379 с.; Бегалов Б.А. Основные тенденции развития инновационной экономики// Экономический вестник Узбекистана, 2013, № 3-4, с. 107-110; Вахабов А.В. Разыкова Г.Х. Модернизация экономики. Учебное пособие. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2014. - 200 с.; Воронин С.А. Методы поддержки инновационной деятельности предприятий реального сектора на основе инструментов налогообложения//Материалы республиканской научно-практической конференции «Ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ресурс базасини мустаҳкамлаш - иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили» Т.: Молия, 2016, с. 173-174.; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. авторефераті, Т., 2012. - 28 б.; Гиясов С.А. Совершенствование налоговых льгот в регулировании инновационно-инвестиционной деятельности предприятий: автореферат дисс. доктора философии (PhD) по экономическим наукам, Т., 2019. - 54 с.; Жахонгиров И.Ж. Обеспечение стабильного экономического роста на основе инновационно-инвестиционного развития национальной экономики: автореферат дисс. доктора философии (PhD) по экономическим наукам, Т., 2019. - 58 с.; Кадиров А.А. Национальные инновационные системы и их региональные аспекты - Т.: «Янги аср авлоди», 2011. - 114 с.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях РУз: дисс. на соискание уч. ст. д.э.н., Т., 2004. - 291 с.; Махмудов Н.М., Акобирова Д. Инновационная стратегия. Монография. - Т.: «Iqtisodiyot», 2014. - 194 с.; Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики. Монография. - Т.: «Fan va texnologiya», 2016. - 188 с.; Назарова Р.Р. Управление внешнеэкономической деятельностью в Узбекистане на основе инновационного развития в условиях глобализации: автореферат дисс. на соискание учёной степени д.э.н.: Т., 2011. - 48 с.; Шакирова Ф.Б. Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. авторефераті, Т., 2018. - 56 б.; Юлдашев Ш.Г. Узбекистан на пути к инновационной экономике// Бизнес-эксперт, 2015 год, специальный выпуск, с. 32-35.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот режаси, шунингдек, ЁФА-ОТ-О-69605 ЁФ1-24 “Миллий инновация тизими субъектларини венчурли молиялаштириш механизмини институционал мустаҳкамлашнинг методологик муаммолари” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиётни инновацион ривожланишига асос бўлган турли назарий қарашларни ва институционал асосларни таҳлил қилиш;

инновацион фаолиятни инвестициялашда мавжуд манбалар ва инвестиция турларини тадқиқ қилиш;

миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда инновацион-инвестицион фаолликни рағбатлантириш амалиётини баҳолаш;

жаҳон тажрибасида инновацион фаолиятни инвестициялаш моделларини тадқиқ этиш ва халқаро миқёсдаги замонавий тенденцияларни аниқлаш;

миллий иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг институционал таркибини такомиллаштириш ва инновацион фаолиятга хусусий сектор инвестицияларини жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқларида инновацион ва инвестицион фаолликни ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг миллий инновация тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш ва гуруҳлаш, график усуллари, тарихийлик ва мантиқийлик ёндошувларидан, шунингдек корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолиятни инвестициялаш манбаларининг маблағ киритиш шартларини қамраб олувчи янги таснифи ишлаб чиқилган ва унга асосан улар мақсадли қайтарилмайдиган, қарз муносабатларига асосланган ва улушли инвестицион таъминлаш манбаларига таснифланган;

миллий иқтисодиётга инвестицияларни самарали жалб этиш мақсадида инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини инновацион

ишланмалар, инновацион ғоялар, стартап ва венчур лойиҳаларни инвестициялаш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

инновацион ривожланишни агрессив, корпоратив, консерватив инвестициялаш моделлари ва транзитив иқтисодиётлар модели асосида жаҳон инновация тизимидаги инвестицион оқимлар ҳаракатини ифодаловчи замонавий тенденциялар аниқланган;

иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолликни ошириш мақсадида интеллектуал мулк объектларини яратган ва ишлаб чиқаришга жорий этган мутахассисларни олинган иқтисодий самарага асосан табақаланган равишда рағбатлантириш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётда инновацион фаолиятни инвестициялашнинг асосий манбалари, уларнинг улушлари ва инвестицияларнинг асосий йўналишлари аниқланган, шунингдек илмий тадқиқотларда ва ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган инновацион фаолиятни инвестициялаш манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантириш бўйича жаҳондаги етакчи давлатларнинг тажрибаси тадқиқ этилган ва агрессив, корпоратив ва консерватив инвестициялаш моделлари ҳамда транзитив иқтисодиёт моделлари асосида жаҳон инновация тизимида рўй бераётган ўзгаришларни ифодаловчи замонавий тенденциялари аниқланган;

миллий иқтисодиётда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га сарфланган харажатлар билан экспортга йўналтирилган юқори технологик товарлар ҳажми ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган ва унга кўра мазкур харажатларнинг 1 фоизга ўсиши (бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда) экспорт таркибидаги юқори технологик товарлар ҳажмининг 0,12 фоиз ўсишига олиб келиши асосланган;

инновацион фаолиятни инвестициялашда инвестиция фондларни ташкил этиш йўли билан хусусий сектор маблағларини жалб этиш таклифлари асосланган;

иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида интеллектуал мулк объектларини яратган, инновацион ишланмалар билан боғлиқ таклифларни татбиқ этган ходимларни моддий тақдирлашнинг табақаланган тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда келтирилган хулоса ва тавсияларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси фаолиятларида муаллифлик таклиф ва тавсияларнинг жорий қилинганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва халқаро

молия институтларнинг расмий маълумотларидан ва бошқа амалий маълумотлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий иқтисодиётда инновацион фаолиятни инвестициялашнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқишда, давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал ва амалий лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларни амалга оширишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Шунингдек, илмий натижалардан "Иқтисодиёт назарияси", "Инновацион менежмент", "Инновацион фаолиятни молиявий бошқариш" каби иқтисодий фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишда, инновацион фаолиятни инвестициялаш тартибини такомиллаштиришда ва молия институтлар фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлигини оширишда, ушбу соҳани тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги фаолиятида турли қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, давлат ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

инновацион фаолиятни инвестициялаш манбаларининг янги ёндашув асосидаги таснифи давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги фундаментал илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 31 январдаги 03-13/100-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этиш натижасида давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган лойиҳалар учун инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш муаммосига бағишланган тадқиқотлар учун муҳим илмий манба яратилди;

миллий иқтисодиётга инвестицияларни самарали жалб этиш мақсадида инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини инновацион ишланмалар, инновацион ғоялар, стартап ва венчур лойиҳаларни инвестициялаш орқали такомиллаштириш борасидаги таклифлар 2015 йил 25 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва

иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2016 йил 28 июлдаги 04/1-66-120-сон маълумотномаси). Ушбу тавсия мамлакатимизда инвестиция фондларини турли манбалар ҳисобидан шакллантириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инновацион фаолиятни инвестициялаш ҳамда нодавлат манбаларидан маблағларни жалб қилиш имконини берди;

инновацион ривожланишни агрессив, корпоратив, консерватив инвестициялаш моделлари ва транзитив иқтисодиётлар модели асосида жаҳон инновация тизимидаги аниқланган инвестицион оқимлар ҳаракатини ифодаловчи қонуниятлардан фундаментал илмий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 31 январдаги 03-13/100-сон маълумотномаси). Натижада миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда ва унда белгиланган вазифа - 2030 йилга қадар миллий иқтисодиёт Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киришига эришишда муҳим илмий манба яратилди;

иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолликни ошириш мақсадида интеллектуал мулк объектларини яратган ва ишлаб чиқаришга жорий этган мутахассисларни олинган иқтисодий самарага асосан табақаланган равишда рағбатлантириш тартиби борасидаги таклиф Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 2016 йил 9 августдаги 02-06-11/8621-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида мавжуд минерал хом-ашё базасининг қувватини тўлдириш концепцияси такомиллаштирилди, 2030 йилгача ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари ҳамда НКМК ва Қизилқум минтақасининг 2020 йилгача мўлжалланган ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 дан ортиқ халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шу жумладан, 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 11 та мақола, улардан 5 таси хорижий илмий журналларда, 28 та маъруза тезиси халқаро ва республика илмий-амалий конференциялар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантириш масалаларига бағишланган назарий қарашларнинг эволюцияси тадқиқ этилган, иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг институционал асослари тадқиқ этилган, шунингдек инновацион фаолиятга йўнатлирилган инвестицияларнинг хусусиятлари, манбалари, турлари тадқиқ этилган ва тегишли хулосалар қилинган.

Инновацион ривожланишни инвестициялаш масалаларини тадқиқ қилишда фаол иштирок этган хорижий олимлардан Шумпетер Й., Менш Г., Портер М., Фримен К., Нечаев А., Михалевский В., Джавадова И. ва бошқаларнинг, Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларидан Абулкасимов Х.П., Бегалов Б.А., Вахабов А.В., Воронин С.А., Гаибназарова З.Т., Гиясов С.А., Жахонгиров И.Ж., Кадиров А.А., Махкамова М.А., Махмудов Н.М., Мухитдинова Н.К., Назарова Р.Р., Разикова Г.Х., Расулов Т.С., Шакирова Ф.Б., Юлдашев Ш.Г. кабиларнинг ишларини қайд қилиш мумкин. Уларнинг тадқиқотлари инновацион ривожланишни турли жиҳатларига бағишланган. Масалан, Й.Шумпетер инновацион фаолиятни ривожлантиришда кредит усулларига, Г.Менш инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишига, М.Портер эса корпоратив ва хусусий инвестициялашга кўпроқ эътибор қаратган. Олимларни иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялаш масалаларига бўлган қарашларини умумлаштириш асосида биз қуйидаги таърифни таклиф этамиз: “Иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантириш – бу инновацияларни яратиш, тақсимлаш ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш жараёнларини инвестициялаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда бозор субъектларини инновацион фаоллигини ошириш орқали иқтисодиётни миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўсишига эришишдир”.

Иқтисодиёт бир неча асрлар давомида аграр хўжаликдан постиндустриал иқтисодий тизимгача тадрижий ривожланди, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар такомиллашди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган ҳар бир иқтисодий тизим тури олдинги тизимнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Барча келтирилган иқтисодий тизимлар бир-биридан асосий ишлаб чиқариш тармоқлари, устун даражадаги ишлаб чиқариш омиллари билан, микродаражада эса товарлар

(хизматлар)нинг қиёсий устунлик кўрсаткичлари билан фарқланади. Уларнинг умумий томони шундаки, иқтисодий субъектлар, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг муваффақияти уларнинг халқаро меҳнат тақсимотида, товар ва хизматларни экспортида иштирок этиши ҳамда маҳсулотлар халқаро меъёр ва стандартларга жавоб бериши билан белгиланади.

1-жадвал.

Иқтисодий тизимларнинг қиёсий таҳлили[7]

Кўрсаткичлар	**Иқтисодий тизимлар турлари**		
	Тоиндустриал	**Индустриал**	**Постиндустриал**
Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш сохаси ва саноатнинг юқоритехнологик тармоқлари
Устун даражадаги ишлаб чиқариш омиллари	Ер, ишчи кучи	Капитал, тадбиркорлик қобилиятлари	Инсон капитали
Маҳсулотларнинг қиёсий устунлик кўрсаткичлари	Нархлар пастлиги, кенг ассортимент	Нархлар пастлиги, юқори сифат	Товарнинг янгилилиги ва кўп функционаллиги
Иқтисодий субъектлар муваффақияти кўрсаткичлари	Маҳсулотнинг экспортда иштирок этиши	Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, экспортда иштирок этиш	Маҳсулотнинг янгилилиги, экологик тозалиги, тежамкорлиги, экспортбоплиги

Тоиндустриал иқтисодий тизимда истеъмолчиларни жалб этиш учун ишлаб чиқарувчилар маҳсулотнинг ассортиментини кўпайтириб, нархларни пасайтирганлар. Индустриал иқтисодиёт шароитида товарларнинг табақалашуви вужудга келиши билан рақобат курашида нафақат нархлар, балки нархсиз усуллар ҳам самарали бўлган. Шу сабабдан ушбу иқтисодий тизимда истеъмолчининг танлови нарх ва сифатни таққослашга асосланади. Постиндустриал иқтисодий тизимда эса истеъмолчилар фан ва техника ривожланишининг сўнгги ютуқларига жавоб берадиган янги ёки такомиллашган товарлар учун анча юқори нарх тўлашга тайёр эканликларини кузатиш мумкин. Яъни истеъмолчиларнинг танловида нарх эмас, балки бошқа янги мезонлар устунлик қила бошлади, бу мезонларга товарнинг янгилилиги, унинг кўп функционаллиги, тежамкорлиги, экологик тозалиги ва бошқалар киради.

Истеъмолчилар танловидаги ўзгаришлар, глобализация жараёнлари, рақобатни кучайиши мамлакатдаги инновацион товарларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда ва инновацион иқтисодиётга ўтиш учун замин яратмоқда.

Постиндустриал иқтисодий тизимда хизмат кўрсатиш сохаси билан биргаликда саноатнинг юқори технологик тармоқларини ривожлантириш

[7] Муаллиф томонидан тузилган.

орқали инновацион ривожланиш йўлига ўтилади. БМТ таркибидаги UNCTAD ташкилотининг таснифига биноан махсулот ишлаб чиқариш умумий харажатларининг 3,5 фоиздан ортиғи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га сарфланган бўлса бундай маҳсулотлар юқори технологик ҳисобланади.[8] Демак юқори технологик ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантиришга инвестицияларни кенгроқ жалб этишимиз зарур.

Инновацион маҳсулотни яратишнинг турли босқичларини инвестициялашда инвесторларнинг иштирок этиш истаги талаб қилинаётган маблағ ҳажмига эмас, балки келгусида ноаниқлик ва риск даражасига боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам инновацион маҳсулотни яратишнинг дастлабки босқичларида олимлар асосан ўз даромадлари ва жамғармаларини ишлатишларига тўғри келади. Шунингдек, инвестициялаш давлат бюджети, банк кредитлари ва бошқа манбалардан ҳам амалга оширилади. Биз ўтказилган тадқиқотлар асосида инновацион фаолиятни инвестициялаш манбаларини маблағ киритиш шартлари бўйича учта катта гуруҳга бўлдик (1-расм).



1-расм. Инновацион фаолиятни инвестициялаш манбалари таснифи[9]

[8] Product by technological categories (SITC Rev. 3 based on Lall); http://unctad.unctad.org/EN/Classifications.html
[9] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мақсадли қайтарилмайдиган манбалар инвестицияларни беғараз, аниқ мақсадларга ва қайтариб бериш шартисиз берилиши билан ажралиб турадилар. Уларга давлат бюджети маблағлари, халқаро ва маҳаллий грантлар, буюртмачилар, ҳомийлар ҳамда корхонанинг ўз маблағлари киради. Қарз муносабатларига асосланган манбалар эса муддатлилик, тўловлилик, қайтаришлик тамойилларига таянади. Банк кредити, облигациялар чиқариш, лизинг, факторинг, форфейтинг каби опреациялар ҳамда лойиҳавий молиялаштириш шулар жумласидандир.

Улушли инвестициялаш аввалги иккита манба гуруҳидан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолларда жалб қилинади ва бунда инновацион лойиҳа унинг яратувчилари ва ташқи инвесторлар (венчурли фондлар, акция эгалари, тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар ва бошқалар) ҳамкорлигида амалга оширилади. Миллий иқтисодиётларда инвестициялаш манбалари ва усулларининг энг оптимал мажмуасини аниқлаш нафақат инновацияларни яратиш ва қўллаш жараёнини узлуксизлигини таъминлайди, балки тадбиркорлик соҳасига инновацион ишланмаларни мунтазам жорий этиш муаммосини ҳал қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишига инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати, тенденциялари ва хусусиятлари”** деб номланиб, унда миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг инвестициялаш манбалари, инновацион фаолиятни рағбатлантириш амалиёти таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар аниқланган, иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожланиш моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган ҳамда жаҳон инновация тизимидаги инвестицион оқимлар ҳаракатини ифодаловчи замонавий тенденциялар аниқланган.

Миллий иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтишининг асосий шароитларини таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг асосий институтлари шакллантирилган, лекин инновацион жараёнларни тўлиқ ишга тушириш учун тўсқинлик қилаётган асосий омиллар – бу инновацион ривожланиш институтлари ўзаро қўшма фаолиятининг сустлиги, соҳадаги қонунчиликни тўлиқ эмаслиги ва инновацион фаолиятни инвестициялаш етарли даражадамаслиги аниқланган, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётда инновацион фаолиятни инвестициялашнинг манбалари ва усулларини таҳлил қилишни талаб этади.

Ўзбекистонда ИТТКИни инвестициялашнинг асосий манбаи бюджет маблағлари ҳисобланади. Мазкур манбанинг улуши аста-секин камайиш тенденциясига эга бўлиб 2018 йилда 55,1 фоизни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларига кўра, бюджетдан ташқари жамғармалар ва хорижий инвесторларнинг ИТТКИни қўллаб-қувватлашдаги улуши унчалик катта эмас ва биргаликда уларнинг улуши инвестициялар жами ҳажмининг 5 фоизидан ҳам ошмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, агар 2012 йилда буюртмачиларнинг маблағлари 23,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 6,1 фоизга тушди.

2-жадвал.

Ўзбекистонда ИТТКИни инвестициялаш манбаларининг таркиби, фоизда[10]

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Жами инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:							
Бюджет маблағлари	56,9	58,8	57,8	58,7	57,7	56,1	55,1
Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари	2,3	1,4	3,9	4,3	4,2	2,7	2,9
Ташкилотларнинг ўз маблағлари	16,8	19,8	21,6	22,9	22,3	29,4	35,6
Буюртмачилар маблағлари	23,4	19,1	15,9	13	15	11,2	6,1
Хорижий инвесторлар маблағлари	0,6	0,9	0,8	1,2	0,8	0,6	0,3

Буюртмачилар маблағлари улушининг пасайиши улар инновацион ёки юқори технологик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини асосан импорт ҳисобига қондириши билан изоҳланади, чунки иқтисодиётда модернизация кўламлари ўсаётган шароитда инновацион маҳсулотларга эҳтиёж ўсиб боради. Шунинг учун ҳам корхоналар ИТТКИни инвестициялашга ўз маблағларини сарфлашга мажбур бўлиб, ушбу манбанинг улуши 16,8 фоиздан 35,6 фоизгача кўтарилган.

Миллий иқтисодиётда ИТТКИга киритилган инвестициялар фундаментал, амалий тадқиқотлар ҳамда илмий-техник ишланмаларга йўналтирилади, уларнинг улуши 2-расмда кўрсатилган.

2-расмдан кўриниб турганидай, миллий иқтисодиётда ИТТКИга сарфланган жорий харажатларнинг асосий қисмини амалий тадқиқотлар ташкил этади, уларнинг улуши 2012-2018 йиллар давомида 57,5%дан 41,4%гача пасайганини кузатиш мумкин. Амалий тадқиқотлар фундаментал тадқиқотларнинг натижаларига асосланган ҳолда амалий (моддий кўринишдаги) натижага эга бўлиб янги турдаги ускуналар ва технологияларни яратишга қаратилган, бу эса миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида жуда муҳимдир. ИТТКИга сарфланган харажатлар таркибидаги фундаментал тадқиқотлар улушининг 27,8 фоизгача ўсиши ИТТКИга киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги ва қоплаш муддатига салбий таъсир кўрсатади, чунки фундаментал тадқиқотлар табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида янги билим олишга, амалий тадқиқотлар учун зарур назарий базани яратишга қаратилган, уларнинг инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри таъсири суст деб ҳисобланади.

Илмий-техник ишланмаларнинг ўсиш динамикаси иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг зарурий қисмидир, чунки улар ишлаб

[10] «Ўзбекистон Республикасининг фан-техника салоҳияти ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари» 2012-2018 йиллардаги статистик бюллетенлари.

чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион маҳсулотларнинг ташқи бозорларига чиқишини таъминлаш учун хизмат қиладилар.



2-расм. Ўзбекистонда ташкилотлар ўз кучи билан амалга оширган ИТТКИга сарфланган харажатларнинг йўналишлари, фоизда[11]

Миллий инновация тизимининг ҳозирги ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, инновацион маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқаришда тадбиркорлик соҳасининг фаоллиги юқори эмас. Бизнинг фикримизча, корхона ва ташкилотларнинг фаоллигини тартибга солишнинг билвосита усуллари ҳисобига, инновацион фаолият иштирокчилари учун имтиёзли шароитлар яратиш орқали ошириш мақсадга мувофиқ.

Инновацион ғоялар ва лойиҳаларни инвестициялашда миллий иқтисодиётда венчур фондларни инвестицион ва пай фондлари шаклида ташкил этиш, кейинчалик (инновацион лойиҳа амалга оширилгандан сўнг) иштирокчиларнинг улушини стратегик инвесторларга сотиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Аммо бундай фондларни самарали фаолияти учун авваламбор улар мақомининг ҳуқуқий асосини яратиш лозим. Қонунчиликка инвестицион ва пай фондларининг ташкил этиш мезонларини, фонднинг инвестицион портфелининг таркиби, таъсис ҳужжатларидаги мажбурий нормаларни белгилаш мазкур фондларнинг ҳуқуқий мақомини, ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилашга асос яратади. Инвестицион активларни бошқариш ҳуқуқини ишончли бошқарувчига бериш ва мазкур йўл билан инновацион ишланмалар, инновацион ғоялар, стартап ва венчур лойиҳаларни

[11] «Ўзбекистон Республикасининг фан-техника салоҳияти ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари» 2012-2018 йиллардаги статистик бюллетенлари.

қўллаб-қувватлаш таклифлари миллий иқтисодиётда инновацион фаолликни таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантиришни жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида сўнгги ўн йилликларда барча жаҳон хўжалиги субъектларига хос бўлган қуйидаги инвестицион оқимлар ҳаракатини ифодаловчи замонавий тенденциялар аниқланди:

Биринчидан, дунёнинг турли мамлакатларида, қитъаларида ва умуман жахон хўжалиги миқёсида ИТТКИга инвестицияларнинг турғун ўсиши кузатилмоқда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози йилларида ҳам.

Иккинчидан, иқтисодиёт ривожланган сари, инновацион фаолиятни инвестициялашнинг нодавлат манбалари, айниқса хусусий секторнинг улуши ўсиб бормоқда, давлатнинг ҳиссасига эса асосан фундаментал тадқиқотларни ва инновацион инфратузилмани яратишни таъминлаш қолади (3-жадвал). Инновацион ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларда давлат бошқарув органлари инновацион фаолиятни бевосита молиялаштиришдан унинг билвосита тартибга солиш усулларига ўтишмоқда, яъни хусусий инновацион бизнесни ривожланишини рағбатлантирувчи ва фаоллаштирувчи чора-тадбирларни қўллашмоқда.

3-жадвал.

Жаҳон мамлакатларида ИТТКИни инвестициялаш манбаларининг таркиби[12]

Мамлакатлар	ИТТКИга бўлган хара-жатлар, АҚШ млрд. долл.	ИТТКИни инвестициялашда соҳалар улуши, фоизда			
		бизнес	давлат	хорижий инвесторлар	бошқа манбалар
АҚШ	457,0	60,9	27,7	4,5	6,9
Хитой	336,5	74,6	21,1	0,9	3,4
Япония	160,3	75,5	17,3	0,5	6,7
Германия	101,0	66,1	29,2	4,3	0,4
Корея Республикаси	68,9	75,7	23,8	0,3	1,1
Франция	55,2	55,4	35,0	7,6	2,0
Буюк Британия	39,9	46,6	27,0	20,7	5,7
Россия	40,7	28,2	67,6	3,0	1,2
Польша	8,1	30,0	61,0	5,6	3,4

3-жадвал маълумотларига кўра, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Германия, АҚШ каби давлатларда ИТТКИни инвестициялаш манбалари таркибида бизнес секторнинг улуши 60-70 % дан ортиқ. Айниқса, ушбу соҳада трансмиллий корхоналар ва молия саноат гуруҳларнинг юқори инвестицион фаоллигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Volkswagen, Samsung, Intel, Microsoft ва бошқа йирик корхоналар ҳар йили 10 млрд. АҚШ долларидан зиёд инвестиция илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик

[12] National Science Board. 2018. Arlington, VA: National Science Foundation Science and Engineering Indicators 2018 (NSB-2016-1), p. 4/45-46.

ишларига киритадилар. Россия, Польша ва бошқа ривожланаётган давлатларда эса асосий манба сифатида давлат бюджети маблағлари хизмат қилади.

Учинчи тенденция, жаҳон иқтисодиёти миқёсида ИТТКИни инвестициялаш, инновацион махсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда Осиё давлатларининг улуши йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ўтган асрда юқори технологик ишлаб чиқариш сохасида АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатлар етакчилиги ушбу соҳада рақобатлашадиган Хитой, Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиё каби янги рақобатчи-давлатлар иштироки билан чегараланиб қолмоқда.

Тўртинчидан, инновацион фаолиятни инвестициялаш амалиётида профессионал инвесторлар, махсус фондлар, халқаро ассоциациялар, инновацион лойиҳаларни танлаб олиш бўйича махсус экспертлар, яъни венчур индустриясининг субъектларини пайдо бўлиши. Улар институционал ва норасмий инвесторларни инновацияларнинг ихтирочилари билан боғланишига ёрдам бермоқдалар.

Жаҳон амалиётида инновацион фаолиятни инвестициялашнинг турли шакллари, усуллари, манбалари бўлишига қарамай, мамлакатларнинг инновацион ривожланишини инвестициялаш жараёнида бир қатор умумий қонуниятлари мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида иқтисодиётни инновацион ривожланишининг инвестицион таъминлаш моделлари таснифи таклиф этилди (4-жадвал).

4-жадвал.

Инновацион ривожланишнинг инвестицион таъминлаш моделлари[13]

	Агрессив инвестициялаш модели	**Корпоратив инвестициялаш модели**	**Консерватив инвестициялаш модели**	**Транзитив иқтисодиёт-лар модели**
Мамлакатлар	АҚШ, Исроил, Буюк Британия, Финляндия, Канада	Япония, Корея Республикаси, Швеция, Хитой	Франция, Германия, Швейцария. Ирландия	МДҲ давлатлари
ИТТКИни инвестициялаш-даги асосий манба	Бизнес сектор (60%дан юқори)	Бизнес сектор (70%дан юқори)	Банк кредитлари ва хорижий инвестициялар	Давлат бюджети (50%дан юқори)
Инновацияларни яратиш босқичи	Инновацион маҳсулотни яратилишининг энг илк босқичлари	Ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи	Кечки босқич ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи	Кечки босқич ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи
Маблағларни сарф этиш йўналишлари	Инновацион ишланмалар	Амалий тадқиқотлар	Амалий тадқиқотлар	Фундаментал ва амалий тадқиқотлар
Хорижий инвестициялар улуши	4 %дан кўп эмас	1%дан кўп эмас	10%дан кўп эмас	30%дан кўп эмас

[13] Муаллиф томонидан тузилган.

4-жадвал маълумотларини таққослама таҳлили келтирилган моделларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлашга имкон берди. Хусусан, “агрессив инвестициялаш” моделида сармоя қилинган маблағлар қайтмаслигининг юқори риск даражасига қарамасдан (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Исроил ва бошқалар) инвесторлар инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошланғич, энг юқори хатарли босқичларида маблағларини киритадилар. Ушбу моделда инвестицияларнинг асосий манбалари бўлиб тадбиркорлик секторининг маблағлари, хусусий жамғармалар ва венчур фондлари хизмат қилади.

Консерватив моделда эса (Франция, Германия, Швейцария ва бошқалар) маблағлар инновацион жараёнда маҳсулотнинг дастлабки намунаси кашф этилгандан сўнг киритилади ва бунда инвестицияларнинг асосий манбаи бўлиб давлат ва банк сектори хизмат қилади. Корпоратив инвестициялаш моделида инновацион фаолиятни инвестициялашда йирик корхоналар ва кичик бизнес ўртасидаги ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Ушбу моделда маблағлар асосан амалий тадқиқотларга йўналтирилган бўлиб, асосий инвесторлар сифатида трансмиллий корпорациялар ва молия саноат гуруҳлари хизмат қиладилар.

Транзитив иқтисодиётлар моделида эса (МДҲ давлатлари) ҳам консерватив, ҳам корпоратив инвестициялаш моделларига хос жиҳатларни кузатишимиз мумкин. Мамлакатда олиб борилаётган давлат инновация сиёсати, инвестицион ресурсларнинг тадқиқот йўналишлари ва инновацияларни яратиш босқичлари бўйича тақсимланиши ҳар бир моделнинг хусусиятларига боғлиқ.

Учинчи боб **“Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”** деб номланган бўлиб, унда миллий иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг институционал таркибини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлашда хусусий сектор маблағларини жалб қилиш ҳамда инновацион соҳада инвестицион фаолликни ошириш бўйича таклифлар берилди.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш омилларини статистик баҳолаш учун илмий-техникавий ишларнинг умумий ҳажмига таъсир кўрсатадиган омилларни (ИТТКИ билан шуғулланаётган ташкилотлар сони ва ИТТКИнинг харажатлари) корреляцион-регрессион таҳлили амалга оширилди.

